

Инша Аллоҳ сўзи немис изоҳли луғатига киритилди



19:05 / 07.01.2020 3817

Германиянинг энг муҳим ва кенг қамровли луғати Duden веб-сайтида Инша Аллоҳ сўзи немис тилида «inschallah» сифатида берилган. Бу ҳақда qalampir.uz хабар беради.

Мусулмонларнинг кундалик ҳаётида энг кўп қўлланиладиган Инша Аллоҳ сўзи немис изоҳли луғатидан ўрин олди.

Ушбу сўзнинг маъноси изоҳли луғатда «Аллоҳ истаса» дея ифодаланган.

Қайд этилишича, бу сўз араб тилидан кириб келган бўлиб, мусулмонлар орасида жуда кўп ишлатилади.

Ушбу сўз Dudenнинг босма луғатига киритилиши юзасидан аниқ маълумотлар ҳозирча мавжуд эмас.

Islom.uz портали таҳририяти